



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 12 ” Aprel 20 21 y

Yaypan shahri 268 sonli

Танловда ғолиб чиққан фуқаро Фурқат тумани Чилги-жида қишлоғида яшовчи Норматов Азаматжон Турғуновичга Қаюмжонобод ММТП Қолгандарё ҳудудидаги туман захира ер майдонидан пахта-ғаллачилик йўналишида ижарада фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6.26 ва 53-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг 2021 йил 25-март 148/23-6-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Танловда ғолиб чиққан фуқаро “Саховатли Қаюмжонобод” фермер хўжалиги раҳбари Норматов Азаматжон Турғунович туман ҳокими номига ёзилган аризаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари билан шуғулланувчи комиссияси далолатномаси тасдиқлансин.

3. Танловда ғолиб чиққан фуқаро Чилги-жида қишлоғида яшовчи Норматов Азаматжон Турғуновичга Қаюмжонобод ММТП Қолгандарё ҳудудидаги туман захирасига қарашли бўлган №270-272-183-197-199-206-204-203-231-233-234-300-293-295-296-297-298-227-229-контурлардаги 46,3 га умумий ер майдони, 36,5 га экин ер майдони, 1,57 га йўллар, 2.6 га ариқ-зовурлар, 5.6 га сўғориладиган бўз ерлар эгаллаган ерлардан иборат ер майдонларида пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фойдаланиш учун танловда ғолиб чиққан фуқаро Чилги-жида қишлоғида яшовчи Норматов Азаматжон Турғуновичга 49 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

4. Фуқаро Норматов Азаматжон Турғуновичга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилаётган ер майдонидаги ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи (А.Ражабов)га, туман Статистика бўлими бошлиғи (О.Абдуллаев)га, туман Давлат Солик инспекцияси бошлиғи (Ж.Кўчқоров)га, Давлат хизматлари маркази бошлиғи (М.Жўраев)ларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда давлат рестирларига амалдаги тартиблар асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокими ўринбосари (Ш.Эшонқулов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Юлдашев

